

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАЛУАНОВ ДАНИЯР ТАНИРБЕРГЕНОВИЧ

**ЮМШОҚ ГРУНТЛАРДА ПАСТ БОСИМЛИ ГИДРОТЕХНИКА
ИНШООТЛАРИ ЗАМИНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

Палуанов Данияр Танирбергенович

Юмшоқ грунтларда паст босимли гидротехника иншоотлари
заминларини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш..... 3

Палуанов Данияр Танирбергенович

Совершенствование методов расчета оснований низконапорных
гидротехнических сооружений на слабых грунтах..... 29

Paluanov Daniyar Tanirbergenovich

Improvement of methods of calculation bases low-pressure hydrotechnical
constructions on soft ground..... 55

Эълон қилинган ишлар руйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 59

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИРРИГАЦИЯ ВА СУВ МУАММОЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ**

ПАЛУАНОВ ДАНИЯР ТАНИРБЕРГЕНОВИЧ

**ЮМШОҚ ГРУНТЛАРДА ПАСТ БОСИМЛИ ГИДРОТЕХНИКА
ИНШООТЛАРИ ЗАМИНЛАРИНИ ҲИСОБЛАШ УСЛУБЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

05.09.06-Гидротехника ва мелиорация қурилиши

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Техника фанлари бўйича фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.DSc/T147 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.ismiti.uz) ва «Ziyouet» ахборот-таълим тармоғида (www.ziyouet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Махмудов Илхомжон Эризарович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Хўжакулов Рустам
техника фанлари доктори, профессор

Эргашев Рустам Рахимович
техника фанлари доктори, профессор

Маликов Зафар Маматкулович
техника фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент архитектура-қурилиш институти

Диссертация ҳимояси Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги DSc.41/30.04.2021.Т.131.01 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «16» ноябрь соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100187, Тошкент, Қорасув-4 мавзеси, 11 уй. Тел.: (99) 434-43-28, ismiti@minwater.uz).

Диссертация билан Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (3 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100187, Тошкент, Қорасув-4 мавзеси, 11 уй. Тел.: (99) 434-43-28, e-mail: ismiti@minwater.uz.

Диссертация автореферати 2021 йил «19» октябрь кунини тарқатилди.
(2021 йил «19» октябрь даги 3 рақамли реестр баённомаси).



М.Р. Икрамова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

У.А. Садиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, PhD, катта илмий ходим

О.Я. Гловацкий

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда паст босимли гидротехника иншоотлари (ГТИ)ни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш учун самарали ва тежамкор технологияларни қўллаш етакчи ўринлардан бирини эгаллайди. «Дунё миқёсида 750 минг паст босимли ГТИ мавжудлигини ҳисобга олсак»¹, паст босимли ГТИни юмшоқ грунтларда лойиҳалаштириш ва қуриш, фойдаланиш даврида хавфсизлиги ва турғунлигини таъминлашда такомиллаштирилган янги услубларни амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан муҳандислик-геологик шароити оғир бўлган ҳудудларда паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаштириш ва қуришнинг самарали услубларини ишлаб чиқиш, фойдаланиш даврида уларнинг турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш, замин грунтларини мустаҳкамлаш бўйича самарали ва тежамкор технологиялардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳонда паст босимли ГТИ бузилишлари, ишдан чиқиши ва ҳалокатли ходисаларини ўрганиш, сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, лойиҳалаштириш ва қуриш, фойдаланиш даврида хавфсизлигини таъминлаш, заминнинг мустаҳкамлигини оширишнинг янги илмий-техникавий ечимларини ишлаб чиқишга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича амалдаги меъёрий-ҳужжатларни такомиллаштириш, янги ҳисоблаш услубларини, мураккаб муҳандислик-геологик шароитларда қуриладиган иншоотларни лойиҳалаштиришнинг замонавий талабларига жавоб берувчи самарали ва тежамкор технологик усулларини ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш, фойдаланиш даврида заминнинг мустаҳкамлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда юмшоқ грунтларда қуриладиган паст босимли ГТИни лойиҳалаштириш, фойдаланиш даврида хизмат кўрсатиш муддатини узайтириш, бузилиш ва ишдан чиқишдан бўладиган зарарларни камайтириш, шунингдек хавфсизлик мезонлари ва заминнинг турғунлигини ошириш бўйича технологик усулларни ишлаб чиқиш юзасидан кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «... миллий иқтисодиётни рақобатбардошлигини ошириш учун энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, мелиорация ва ирригация объектлари тармоқларини ривожлантириш, ишлаб чиқаришга ресурс тежамкор технологияларни кенг жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, сув ресурслари тақчиллиги даврида юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИдан фойдаланиш даврини узайтириш ва хавфсизлигини таъминлаш, шунингдек кучланганлик-деформация ҳолатларини ҳисобга олиш асосида иншоотлар

¹ <https://www.icold-cigb.org>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони

заминини лойihalаштириш ва қуришнинг самарали ва тежамкор услубларини ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 20 августда қабул қилинган “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2020 йил 10 июлдаги “Ўзбекистон Республикаси сув хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6024-сон Фармони, 2017 йил 18 январдаги “2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-2731-сон Қарори, 2017 йил 27 ноябрдаги “2018-2019 йилларда ирригацияни ривожлантириш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастури тўғрисида”ги ПҚ-3405-сон Қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 29 августдаги “2015-2018 йилларда Оролбўйи минтақасини тиклаш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Орол ҳалокатининг оқибатларини енгиллаштириш борасидаги чоралар-тадбирлар Комплекс дастури тўғрисида”ги 255-сон Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқот фан ва технологиялар ривожланишининг V. “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси” устувор йўналишига мос келади.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотларнинг шарҳи³. Ҳозирги вақтда дунёнинг етакчи илмий марказлари ва университетлари ГТИ ва уларнинг заминларини лойihalаштириш, қуриш, фойдаланиш даврида турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш масалалари устида ишламоқдалар, жумладан Хитой Фанлар академияси Тупроқшунослик институти, Хохан университети қошидаги гидрология, сув ресурслари ва гидротехника давлат лабораторияси, Пекин сув ресурслари ва гидроэнергетикани режалаштириш ва лойihalаштириш институти (Хитой), Айн-Шамс университети Муҳандислик факультети (Египет), School of Engineering of Melbourne (Австралия), Department of Civil Engineering and Engineering Mechanics, Columbia University, Department of Civil Environmental and Architectural Engineering, University of Colorado (АҚШ), Institute of Water and Environmental Engineering, Valencia (Испания), Induk Institute of Technology (Жанубий Корея), Буюк Пётр номидаги Санкт-Петербург политехника университети, Санкт-Петербург давлат архитектура-қурилиш университети, Москва давлат қурилиш университети, Б.Е.Веденеев номидаги Умумроссия гидротехника илмий-тадқиқот институти, А.Н.Костяков

³ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи
<https://www.scopus.com/>; <https://www.springer.com/>; <https://www.scienceproblems.ru/>;
<https://scholar.google.com/>; <https://www.sciencedirect.com> ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

номидаги мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти, Москва давлат атроф-муҳит муҳандислиги институти, Нижегород давлат архитектура-қурилиш университети, Самара давлат архитектура-қурилиш университети, Н.М.Герсеванов номидаги заминлар ва ер ости иншоотлари илмий-тадқиқот институти (Россия), Тожикистон Фанлар академияси сув муаммолари, гидроэнергетика ва экология институти, Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти, Тошкент архитектура-қурилиш институти, Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институти (Ўзбекистон) томонидан кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

ГТИни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш, турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлашга доир жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан қуйидаги натижалар олинган: тўғонларни лойиҳалашда хавф, ишончлилик ва барқарорликнинг муҳим инфратузилмаси ишлаб чиқилган (Department of Civil Environmental and Architectural Engineering, University of Colorado), тўғон ва сув омборлари маълумотлари, гидрологик ахборот тизими, дала назорати, zilzilаларни кузатиш, мониторинг тизими, хавфсизликни баҳолаш тизимидан иборат тўғонлар хавфсизлигини самарали бошқариш тизими ишлаб чиқилган (Induk Institute of Technology), тўғонларнинг хавфсизлигини бошқаришда хавфлилик қарорини қабул қилишда эпистемик ноаниқлилик модели ишлаб чиқилган (Institute of Water and Environmental Engineering, Valencia), хавфларни таҳлил қилиш назариясига асосланган шамол тўлқинлари, сув омбори сувининг ҳажми камайиши ва тошқин сувларини чиқаришни ҳисобга оладиган тошқин ва шамол тўлқинларининг биргаликдаги таъсири остида хавфни бартараф этиш модели ишлаб чиқилган (Хитой Фанлар академияси Тупроқшунослик институти), бетонли тўғонлар заминининг кучланганлик-деформация ҳолати ўрганилган (Пекин сув ресурслари ва гидроэнергетикани режалаштириш ва лойиҳалаштириш умумий институти), бир жинсли грунтли тўғонлар орқали ўтаётган фильтрацияни ҳисоблаш модели ишлаб чиқилган (Египет), муҳандислик, гидротехника ва атроф-муҳитни ҳимоя қилиш иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ҳамда ишончли ва хавфсиз ишлашини таъминлашнинг ҳисобий ва илмий асослари, ГТИ қурилиши, ГТИ ҳолати ва хавфсизлигини кузатиш учун тармоқ тизими, ҳалокатли ҳодисаларнинг олдини олиш ва бартараф этиш чоралари ишлаб чиқилган (Б.Е.Веденеев номидаги Умумроссия гидротехника илмий-тадқиқот институти, Нижегород давлат архитектура-қурилиш университети, Самара давлат архитектура-қурилиш университети), бино ва иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва улардан фойдаланишнинг замонавий ёндошувлари ишлаб чиқилган (Буюк Пётр номидаги Санкт-Петербург политехника университети, Санкт-Петербург давлат архитектура-қурилиш университети), бино ва иншоотлар заминлари грунтларининг ҳолатини текшириш, лойиҳаланадиган ва мавжуд ГТИнинг йирик масштабдаги моделда тадқиқотлар ўтказиш, ГТИнинг қурилиши, фойдаланиш ва ҳалокатли ҳодиса ҳолатлари тадқиқ қилинган, грунтли тўғонлар танаси ва заминдаги фильтрацияни ҳисоблаш услублари

ишлаб чиқилган (Москва давлат қурилиш университети, Москва давлат атроф-муҳит муҳандислиги институти), гидромелиорация мақсадлари учун ГТИнинг хавфсизлиги декларациялари лойиҳалари, ГТИни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш, реконструкция қилиш, автоматлаштиришнинг илмий таъминоти ишлаб чиқилган (А.Н.Костяков номидаги мелиорация, сув хўжалиги ва қурилиш институти), заминлар ва ер ости иншоотларининг конструкциясини танлаш, мустаҳкамлаш, турғунлигини ошириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқилган (Н.М.Герсеванов номидаги заминлар ва ер ости иншоотлари илмий-тадқиқот институти).

Дунёда ГТИни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш, турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш, иншоотнинг замин билан биргаликда ишлаши, кучланганлик-деформация ҳолатини ҳисобга олиш учун ишлаб чиқилган тадбирларни такомиллаштириш бўйича қатор, жумладан қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: ГТИ ва уларнинг заминларини лойиҳалаштириш ва қуришдаги муаммолар, техник хизмат кўрсатиш ва эксплуатацияси, ГТИни бошқариш билан боғлиқ муаммолар, ГТИни лойиҳалаштиришнинг экологик жиҳатлари, ГТИдан фойдаланишда хавфсизлик даражасини баҳолаш, ГТИ танаси ва заминдаги фильтрацион деформация жараёнлари, ГТИ замини грунтларини сунъий мустаҳкамлаш орқали турғунлигини ошириш, ГТИ заминларини лойиҳалашда самарали ва ресурстежамкор технологияларни ишлаб чиқиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Паст босимли ГТИ ва уларнинг заминларини лойиҳалаштириш ва қуриш, фойдаланиш даврида турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш муаммолари билан хорижда ва мамлакатимизда бир қатор олимлар, жумладан Antonio dos Anjos Luis, Pedro Cabral, Christopher J. Sandt, Martin W. Doyle, Colm M. Casserly, Jonathan N. Turner, Jesung Jeon, Jongwook Lee, Jie Yang, Xudong Qu, MEI Guodong, Mohammad Amin Hariri-Ardebili, Mo Chongxun, Liu Fanggui, Piroz Zamankhan, Shao-wei Wang, Ying-li Xu, Siacara A.T., Napa-Garcia G.F., В.В.Малаханов, М.И.Бальзанников, В.А.Волосухин, В.И.Волков, В.Я.Жарницкий, Г.М.Каганов, Ф.В.Матвеенков, А.А.Михасек, Х.А.Аскарлов, Н.Т.Кавешников, Е.В.Андреев, В.М.Ларьков, Е.Д.Михайлов, И.А.Серисова, В.Л.Снежко, З.А.Курбанова, В.Н.Щедрин, Г.Л.Гладков, Ю.М.Косиченко, А.В.Глотко, М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Е.Курбанбаев, И.К.Аимбетов ва бошқа олимлар илмий-тадқиқот ишлари олиб боришган.

Эксплуатация қилинаётган паст босимли грунтли ГТИнинг техник ҳолатини таҳлил қилиш, уларда таъмирлаш-тиклаш ишларини олиб бориш, эксплуатацион ишончилигини ошириш орқали хавфсизликни таъминлаш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш Shao-wei Wang, Ying-li Xu, MEI Guodong, A.T.Siacara, G.F.Napa-Garcia, М.И.Балзанников, В.А.Волосухин, В.Я.Жарницкий, Ф.В.Матвеенков, А.А.Михасек, М.В.Родионов ишларида акс эттирилган. Лойиҳавий ҳужжатлар мавжуд бўлмаганида паст босимли ГТИни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш учун меъёрий-техник базани такомиллаштириш, техник ҳолати ва хавфсизлик даражасини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш масалалари Jesung Jeon, Jongwook Lee,

Г.М.Каганов, В.И.Волков, В.Н.Щедрин, Г.Л.Гладков ишларида тақдим этилган. Назарий ва экспериментал тадқиқотлар ҳамда натура кузатувлари асосида дарё паст босимли гидроузеллар мажмуасини лойиҳалашни ҳисоблаш ва улардан фойдаланишнинг янги услубларини ишлаб чиқиш Antonio dos Anjos Luis, Pedro Cabral, Н.Т.Кавешников, Е.В.Андреев ишларида келтирилган. Қояли бўлмаган заминларда паст босимли ГТИни лойиҳалаштириш ва қуриш, фойдаланиш даврида ишончилиги ва хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар, грунтларда оқувчанлик хоссаларининг пайдо бўлиши ва унинг иншоотларга таъсири масалалари М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Е.Курбанбаев, И.К.Аимбетов ишларида келтирилган.

Бугунги кунда кўп йиллик катта ҳажмдаги тадқиқотлар ўтказилганига қарамадан республикамизнинг мураккаб муҳандислик-геологик шароитларида паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаштириш ва қуриш, кучланганлик-деформация ҳолатини ва мураккаб кўп қатламли грунтларда фильтрация деформациясини тадқиқ қилиш, турғунлигини ошириш бўйича самарали ва тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш, хавфсизлигини таъминлаш услубларини такомиллаштириш етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ирригация ва сув муаммолари илмий-тадқиқот институтининг А-7-219 “Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаш бўйича чора-тадбирлари ва баҳолашнинг илмий-услубий асосларини ишлаб чиқиш” (2006-2008), ФА-А-7-Т057 “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув таъминланганлигини ошириш учун сув омборларининг жамлаш қобилятини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш” (2009-2011), ҚХАЁ-7-001 “Динамик таъсир этувчиларни ҳисобга олган ҳолда паст босимли тўғонлар асосининг хавфсизлигини баҳолаш мезонлари” (2014-2015), ҚХАЁ-7-001-2016 “Кучсиз грунтларда қуриладиган паст босимли тўғонлар асосининг турғунлигини ошириш бўйича технологик чора-тадбирларни ишлаб чиқиш” (2016-2017), ҚХ-А-ҚХ-2018-281 “Эксплуатация қилиб келинаётган гидротехника иншоотлари хавфсизлик категорияларини баҳолаш нормаларини ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзулари лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мураккаб муҳандислик-геологик шароитларда лойиҳаланадиган ва қуриладиган паст босимли ГТИ заминларини ҳисоблаш услубларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

статик юкламалар таъсирида оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар мавжудлигида паст босимли ГТИ заминининг хавфсизлигини баҳолаш;

статик юкламалар таъсирида оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар мавжудлигида паст босимли ГТИ заминларини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш;

иншоот оғирлиги ва сувнинг гидростатик босими таъсирида мураккаб кўп қатламли грунтларда паст босимли ГТИ заминларини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш;

кўп фазали суюқликлар ҳаракатини ҳисоблаш усулларида фойдаланиб, мураккаб кўп қатламли грунтларда паст босимли ГТИ заминларидаги фильтрация оқимини ҳисоблаш услубларини такомиллаштириш;

мураккаб кўп қатламли грунтларда иншоотлар заминларидаги фильтрацияга қарши мустаҳкамлигини аниқлаш бўйича эксперимент тадқиқотларини ўтказиш;

юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалашда самарали ва тежамкор технологияларни қўллаш бўйича тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида юмшоқ грунтларда республика ҳудудидаги лойиҳаланадиган ва Орол бўйи дельта бошқармасига қаршли фойдаланилаётган паст босимли ГТИ олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида юмшоқ грунтларнинг хусусиятлари ва уларнинг лойиҳалаштириш ва қуриш шароитига таъсири, юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИ фойдаланиш даврида турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича тадбирлар ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида юмшоқ грунтли заминлар деформациясини ҳисоблашни назарий услублари, экспериментал тадқиқотларининг умумий қабул қилинган усуллари, математик моделлаштириш ва уларни сонли ечиш усулларида фойдаланилди, лойиҳалаш ва қуриш амалиётида қўлланиладиган усуллар қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

заминда оқувчанлик хусусиятига эга грунтларни ҳаракатга келтирувчи кучлар миқдори ва статик юкламалар таъсирида паст босимли ГТИ заминининг хавфсизлигини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган;

заминда оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар мавжудлигида “тўғон-бир жинсли бўлмаган замин” тизимининг гидравлик модели ишлаб чиқилган;

иншоот оғирлиги ва гидростатик босим таъсирида паст босимли ГТИ заминлари хавфсизлигини ҳисоблаш усуллари ишлаб чиқилган;

кўп фазали суюқликлар ҳаракати модели асосида паст босимли ГТИ заминининг хавфсизлигини баҳолаш усуллар такомиллаштирилган;

мураккаб кўп қатламли грунтларда паст босимли ГТИ заминларидаги фильтрация оқими тезлиги ва босими тақсимланиши қонунияти асосида фильтрация мустаҳкамлигини баҳолаш ҳисоблари такомиллаштирилган;

иншоот оғирлиги ва гидростатик босим таъсирида паст босимли ГТИ заминининг турғунлигини ҳисоблаш дастури ишлаб чиқилган;

юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалашнинг самарали ва тежамкор технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иншоот заминдаги оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар ҳаракатини аниқлашга асосланган гидравлик модель ва паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаш ва қуришда хавфсизликни таъминлаш мезони ишлаб чиқилган;

заминда оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар мавжудлигида кучланганлик-деформация ҳолати натижаси асосида паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаштириш ва қуришни ҳисоблашнинг услублари такомиллаштирилган;

мураккаб қатламли грунтларни иншоот заминига мустаҳкамлаш ва зичлаш ишлари учун заминнинг юк кўтарувчанлик хусусиятини ошириш мақсадида лойиҳада талаб қилинган паст босимли ГТИ заминларини мустаҳкамлаш ва фильтрацияга қарши мустаҳкамлигини таъминлаш услублари такомиллаштирилган;

муҳандислик-геологик шароити оғир бўлган ҳудудларда паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаштириш ва қуришда самарали ва тежамкор технологияларни қўллаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ечимларни ишлаб чиқишда умум қабул қилинган физик қонуниятлар ва синовдан ўтган математик усулларга асосланганлиги, олинган назарий натижаларни амалда ўтказилган тадқиқотлар натижалари билан солиштирилганлиги ҳамда бошқа олимлар томонидан олинган натижалар билан таққослаб текширилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти статик юкламаларда “тўғон-бир жинсли бўлмаган замин” тизими моделини ишлаб чиқиш асосида юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаштириш ва қуриш ҳисобларини такомиллаштириш, фойдаланиш даврида замин турғунлигини ошириш ва хавфсизлигини таъминлаш, кўп фазали суюқликлар ҳаракатини ҳисоблаш усулидан фойдаланган ҳолда иншоот заминининг фильтрация мустаҳкамлигини аниқлаш, моделни ечиш алгоритми ва ҳисоблаш усулларини такомиллаштириш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалаштириш ва қуриш бўйича услубий ёндошувлар замин грунтларининг мустаҳкамлигини оширишда самарали ва тежамкор технологияларни ишлаб чиқиш имконини беради. Тадқиқот натижалари муҳандислик-геологик шароити оғир бўлган ҳудудларда паст босимли ГТИ заминларини лойиҳалашни ишлаб чиқишда қўлланиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИни лойиҳалаштириш ва қуриш, фойдаланиш даврида хавфсизлигини таъминлаш бўйича олинган натижалар асосида:

муҳандислик-геологик шароитлари оғир бўлган ҳудудларда паст босимли ГТИ ва уларнинг заминларини лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича паст босимли ГТИ заминлари хавфсизлигини баҳолашнинг гидравлик усуллари “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекциясига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги

вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2446-сонли маълумотномаси). Натижада, юмшоқ грунтларда лойихаланадиган паст босимли иншоотлар заминларига таъсир этадиган кучлар миқдорини аниқлаш имконини берган;

грунтларнинг мураккаб геологик тузилишида иншоотнинг турғунлиги ва заминнинг мустаҳкамлигини таъминловчи иншоотнинг замин билан туташishi бўйича тадбирлар, юклама ва таъсирларнинг биргаликдаги барча ҳисобларини инобатга олган ҳолда статик юкламаларда паст босимли ГТИ заминларининг кучланганлик-деформация ҳолатлари натижалари “Давсувхўжаликназорат” давлат инспекциясига ҳамда юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИ заминларини лойихалаш ва қуришда самарали ва тежамкор технологик тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалиётга тадбиқ этиш орқали замин грунтининг турғунлигини оширишнинг технологик усулларини қўллаш вариантлари “Амударё” ҳавзавий сув хўжалиги бирлашмаси қуйи дарё бошқармасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2446-сонли маълумотномаси). Натижада, тақдим этилган ҳисоблар лойихаланаётган паст босимли ГТИнинг ишончилиги ва самарадорлигини оширишга имкон берган;

иншоотлар замини грунтларининг қатлам-қатлам бўлиши, линзаларнинг мавжуд бўлиши, чуқурлик бўйича ва планда грунтнинг деформацияланувчанлик характеристикасини ўзгариши ҳисобига иншоотнинг нотекис юкланишини аниқлашни ҳисобга олган ҳолда мураккаб кўп қатламли грунтларда паст босимли ГТИ заминларининг мустаҳкамлигини ошириш ҳисоблари Орол бўйи дельта бошқармасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2446-сонли маълумотномаси). Натижада, бир жинсли бўлмаган заминлар учун паст босимли ГТИ заминларининг иқтисодий жиҳатдан самарали ва ишончли муҳандислик ечимларни топиш, салбий оқибатларни бартараф қилиш тадбирларни ишлаб чиқиш имконини берган;

мураккаб қатламли грунтларни иншоот заминига мустаҳкамлаш ва зичлаш ишлари заминнинг юк кўтарувчанлик хусусиятини ошириш мақсадида лойихада талаб қилинган сув ўтказувчанлиги ва фильтрация мустаҳкамлигини таъминлашда паст босимли ГТИ заминларининг фильтрацияга қарши мустаҳкамлиги ҳисоблари Орол бўйи дельта бошқармасига жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 24 августдаги 03/27-2446-сонли маълумотномаси). Натижада, паст босимли иншоотларнинг заминлари грунтларини мустаҳкамлаш, иншоот остида фильтрацияни камайтириш ва фильтрациянинг хавfli асоратларини бартараф қилишнинг ишончли ва иқтисодий жиҳатдан самарали технологик усулларини қўллаш, сарф-харажатларни 10% гача камайтириш имконини яратган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 18 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 54 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 14 та мақола, жумладан 8 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган. Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг илмий ишга тегишли 1 та муаллифлик гувоҳномаси олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, умумий хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 197 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **кириш** қисмида Ўзбекистонда диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, ишнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари шакллантирилган, бажарилган тадқиқотларнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги келтирилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари очиқ берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, назарий ва амалий зарурияти ва аҳамиятлари баён этилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Паст босимли гидротехника иншоотларини лойиҳалаш, қуриш ва фойдаланиш муаммоларининг ўрганилганлиги таҳлили”** деб номланган биринчи бобида паст босимли ГТИни лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланиш даврида хавфсизлигини таъминлашга бағишланган ишлар таҳлили, юмшоқ грунтларнинг паст босимли ГТИ қурилишига таъсири масалалари келтирилган.

Эксплуатация қилинаётган паст босимли грунтли ГТИнинг хавфсизлигини таъминлаш ва турғунлигини ошириш бўйича Shao-wei Wang, Ying-li Xu, MEI Guodong, A.T.Siacara, G.F.Napa-Garcia, М.И.Балзанников, В.А.Волосухин, В.Я.Жарницкий, Ф.В.Матвеевков, А.А.Михасек, М.В.Родионов ва бошқа кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари таҳлили келтирилган. Паст босимли грунтли ГТИнинг техник ҳолатини текшириш ва таҳлил қилиш, таъмирлаш-тиклаш ишларини ўз вақтида ўтказиш ва олиб бориш, кўйи қияликни мустаҳкамлаш тадбирлари, эксплуатацион ишонччиликни оширишни таъминлайдиган илмий-асосланган ечимлар ва чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.

Паст босимли ГТИни лойиҳалаштириш, қуриш ва улардан фойдаланиш бўйича меъёрий-ҳужжатлар ва ҳисоблаш услубларининг етишмаслиги туфайли амалдаги меъёрий-техник базани такомиллаштириш, иншоотларнинг техник ҳолати ва хавфсизлик даражасини баҳолаш услубларини ишлаб чиқиш масалалари Jesung Jeon, Jongwook Lee, Г.М.Каганов, В.И.Волков, В.Н.Щедрин, Г.Л.Гладков каби кўплаб олимларнинг илмий-тадқиқот ишларида ёритилган.

Antonio dos Anjos Luis, Pedro Cabral, Н.Т.Кавешников, Е.В.Андреев, И.А.Серисоваларнинг олиб борган илмий-тадқиқот ишларида назарий ва экспериментал тадқиқотлар ҳамда натура кузатувлари асосида паст босимли ГТИни лойихалаштириш ҳисоблари ва улардан фойдаланиш бўйича янги услубларни ва тавсияларни ишлаб чиқишга бағишланган. Гидротехника ва мелиорация соҳаларида қурилиш нархини ва материаллар ҳажмини сезиларли даражада камайтириш имконини берувчи сув ўтказувчи иншоотларнинг енгиллаштирилган конструкцияларини ишлаб чиқиш ва қўллаш В.М.Ларков, Ю.М.Косиченко ва К.В.Мороговларнинг ишларида акс эттирилган.

Республика қояли бўлмаган заминларда паст босимли ГТИни лойихалаштириш, қуриш ва фойдаланиш даврида ишончилигини ошириш, хавфсизлигига таъсир этувчи омиллар, грунтларда оқувчанлик хоссаларининг пайдо бўлиши ва унинг иншоотларга таъсири масалалари М.Р.Бакиев, Э.Ж.Махмудов, Е.Курбанбаев, И.К.Аимбетов каби олимлар тадқиқот ишларини олиб борган.

Марказий Осиё шароитида, жумладан республикамиз ҳудудида энг мураккаб муаммолардан бири юмшоқ грунтларда паст босимли ГТИни барпо этиш, уларнинг эксплуатация жараёнида мустаҳкамлиги ва барқарорлигини таъминлашдир. Бундай грунтларда қурилиш лойихаловчи ва қурувчилар учун катта қийинчиликларни туғдиради, чунки бундай грунтлар сув билан тўйинишда паст мустаҳкамланиш ва юқори сиқилувчанлик билан тавсифланади. Шу сабабли, иншоот пойдевори қурилишида етакчи олимлар ва мутахассислар олдида иншоот заминини тайёрлаш ва пойдеворини қурилишини сифатли бажаришда моддий ва меҳнат ресурсларини тежаш муаммоси қўйилмоқда. Илгари ҳудуднинг бундай жойларида ГТИни қуриш учун геологик мутахассислар томонидан яроқсиз деб ҳисобланган бўлсада, аҳоли сонининг кўпайиши ва уларни барқарор сув ресурслари билан таъминлаш билан боғлиқ ҳолда янги ГТИни қуришга тўғри келмоқда.

Бугунги кунда юмшоқ грунтларга қарши қурашиш масалаларининг муҳим аҳамиятига қарамай, паст босимли ГТИнинг заминларини тайёрлаш ва пойдеворларини қуриш масалаларини ҳал қиладиган батафсил ишлаб чиқилган ҳамда тан олинган ҳисоблаш усуллари мавжуд эмас. Мураккаб муҳандислик-геологик шароитда паст босимли ГТИ заминларини лойихалаштириш ва қуриш, хавфсизлигини таъминлаш ва турғунлигини ошириш бўйича самарали тадбирларни қўллаш масалалари етарли ўрганилмаган. Олиб борилган таҳлиллар асосида диссертация ишининг мақсад ва вазифалари белгиланган.


Диссертациянинг **“Паст босимли гидротехника иншоотлари заминининг деформациясини аниқлашнинг натура тадқиқотлари”** деб номланган иккинчи бобида тадқиқот объектида ўтказилган иншоот заминининг деформациясини аниқлашнинг натура тадқиқотлари натижалари келтирилган.

Эксплуатация қилинаётган паст босимли бетонли ГТИ хавфсизлигини кузатиб бориш имкониятини берадиган иншоот заминининг деформациясини

аниқлашнинг натура тадқиқотлари Маринкин каналининг бош сув олиш иншоотида ўтказилди. Иншоот чўкишини аниқлашда геометрик нивелирлаш усулидан фойдаланилди ва чўкишни кузатишини аниқлаш учун гидроузелнинг чап қирғоқда 10 та ва ўнг қирғоқда 9 та чўкиш маркалари қўйилди. Чўкиш маркаларининг баландлиги пойдевор реперларига нисбатан аниқланади. Геодезик ўлчовларни ўтказишда топографик тасвирлар, муҳандислик-геодезик изланишларни асослашда нивелирлаш учун мўлжалланган 2Н-10Л нивелиридан фойдаланилди. Ишларни амалга оширишдан олдин тадқиқ қилиш ва асбоб-ускуналарни текшириш меъёрий хужжатларга мувофиқ бажарилди.

Маринкин каналининг бош сув олиш иншооти 1994 йили ишга туширилган бўлиб, биринчи геодезик ишлари олиб борилган. 2014-2015 йилларда иншоотнинг техник ҳолатини текшириш, иншоот заминининг деформациясини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишлари олиб борилди.

Олинган нивелирлаш ишлари натижалари бўйича тадқиқот объектида биринчи ишга тушган йили лойиҳавий ва дастлабки ҳамда такрорий геодезик ўлчов ишлари натижалари бўйича бетонли иншоот танаси чўкишининг бўйлама профили қурилди (1-расм).



ШАРТЛИ БЕЛГИЛАР

- Лойиҳавий маълумотлар
- - - Дастлабки маълумотлар
- · - Такрорий маълумотлар

1-расм. Бетонли иншоот танаси чўкишининг бўйлама профили

Олинган геодезик ўлчовлар натижалари бўйича қўрилаётган эксплуатация қилинаётган бетонли иншоот танасининг чўкиши ўртача 0,21 метрни ташкил этган.

Диссертациянинг **“Грунтли масса мавжудлигида паст босимли гидротехника иншоотлари заминининг хавфсизлигини баҳолаш”** деб номланган учинчи бобида паст босимли ГТИ заминдаги грунтли массанинг ҳаракати миқдорини аниқлаш ва сонли экспериментларни ўтказиш орқали иншоот замини хавфсизлигини таъминлаш мезонлари келтирилган.


Иншоот оғирлиги ва сувнинг гидростатик босими таъсирида штамп масаласидан фойдаланган ҳолда (2-рasm) паст босимли бетонли ГТИ заминидаги ҳажми $W_{II} = l_0hb$ ва узунлиги $l(t) = l_0 + l'(t)$ бўлган грунтли массанинг ҳаракат тенгламаси куйидагича ёзилади:

$$\frac{1}{2} \rho_{\Gamma} l(t) b h \frac{d^2 l(t)}{dt^2} = b h \rho_{\epsilon} (H_1 - H_2) g - f_{mp} p_{yy} b L - (L - l(t)) \rho_{\Gamma} b h g - \rho_{\Gamma} l_k h_k g b - \tau_{xy} b L \quad (1)$$

бу ерда: $\rho_{\epsilon}, \rho_{\Gamma}$ - мос равишда сув ва грунтли массанинг зичликлари.

Сувга тўйинган грунт тўлиқ сиқилмайди деб қабул қилинганлиги учун, (1) тенгламанинг чап қисмига $l(t) \approx l_0$ қўйилади ва (1) тенглама куйидагича ёзилади:

$$\frac{l(t)}{2} \frac{d^2 l(t)}{dt^2} = g \left[l(t) + \frac{\rho_{\epsilon}}{\rho_{\Gamma}} (H_1 - H_2) - f_{mp} \frac{p_{yy} L}{\rho_{\Gamma} g h} - (L - l_k) - \frac{\tau_{xy} L}{\rho_{\Gamma} g h} \right] \quad (2)$$



2-рasm. Иншоот заминидаги грунтли массанинг ҳаракатини аниқлаш модели

Масаланинг ечимини енгиллаштириш учун ўлчамсиз катталикларни куйидаги кўринишда киритилади: τ , $l(t)$, $l(t) = l_0 \hat{l}(t)$,

$$t = \sqrt{\frac{l_0}{g}} \hat{t}, \quad L = l_0 \hat{L}, \quad l_k = l_0 \hat{l}_k, \quad h = l_0 \hat{h},$$

$$H_1 = l_0 \hat{H}_1, \quad H_2 = l_0 \hat{H}_2, \quad y = l_0 \hat{y},$$

$$p(y) = \rho_{\Gamma} V_0^2 \hat{p}, \quad \rho_{\Gamma} = \frac{m}{l_0^3} \hat{\rho}_{\Gamma}, \quad \rho_{\epsilon} = \frac{m}{l_0^3} \hat{\rho}_{\epsilon},$$

$$g = \frac{l_0}{t^2} \hat{g}, \quad \tau_{xy} = \frac{F}{l_0^2} \hat{\tau}_{xy}.$$

Унда (2) тенгламани куйидагича ёзилади:

$$\frac{\hat{l}}{2} \frac{d^2 \hat{l}}{d\hat{t}^2} = \hat{l} + \frac{\hat{\rho}_{\epsilon}}{\hat{\rho}_{\Gamma}} (\hat{H}_1 - \hat{H}_2) - f_{mp} \frac{1}{Sh^2} \frac{\hat{p}\hat{L}}{\hat{g}\hat{h}} - \hat{L} - \hat{l}_k - Ne \frac{\hat{\tau}_{xy}\hat{L}}{\hat{\rho}_{\Gamma}\hat{g}\hat{h}} \quad (3)$$

(3) тенгламани соддалаштириш учун уни куйидаги кўринишда ёзилади:

$$\frac{d^2 \hat{l}}{d\hat{t}^2} = 2 + \frac{2}{\hat{l}} \frac{\hat{\rho}_{\epsilon}}{\hat{\rho}_{\Gamma}} (\hat{H}_1 - \hat{H}_2) - f_{mp} \frac{1}{Sh^2} \frac{2}{\hat{l}} \frac{\hat{p}\hat{L}}{\hat{g}\hat{h}} - \frac{2\hat{L}}{\hat{l}} - \frac{2\hat{l}_k}{\hat{l}} - Ne \frac{2}{\hat{l}} \frac{\hat{\tau}_{xy}\hat{L}}{\hat{\rho}_{\Gamma}\hat{g}\hat{h}} \quad (4)$$

(4) тенгламанинг ҳадларини куйидаги кўринишда белгиланади:

$$D_1 = \frac{2}{\hat{l}_0} \frac{\hat{\rho}_{\epsilon}}{\hat{\rho}_{\Gamma}} (\hat{H}_1 - \hat{H}_2) - f_{mp} \frac{1}{Sh^2} \frac{2}{\hat{l}_0} \frac{\hat{p}\hat{L}}{\hat{g}\hat{h}} \quad \text{ва} \quad D_2 = \frac{2}{\hat{l}} (\hat{L} + \hat{l}_k) \quad (5)$$

бу ерда: D_1 - грунтли массани ҳаракатга келтирувчи кучлар миқдори;

D_2 - грунтли масса ҳаракатига таъсир этувчи реакция кучлари миқдори.

(4) тенгламанинг охириги ҳадини куйидаги кўринишда белгиланади:

$$a_0 = 2 \left[1 - Ne \frac{1}{\hat{l}} \frac{\hat{\tau}_{xy}\hat{L}}{\hat{\rho}_{\Gamma}\hat{g}\hat{h}} \right] \quad (6)$$

Олинган ушбу тенглама заминда оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар мавжудлигида паст босимли ГТИ заминининг хавфсизлик мезонини ифодалайди. Мазкур хавфсизлик мезонининг физик моҳияти шундан иборатки, иншоот заминида оқувчанлик хусусиятига эга грунтлар

мавжудлигида иншоот заминига кўйиладиган юкламани, яъни иншоот оғирлигини доимий сақлаган ҳолда сувнинг гидростатик босими миқдорини ўзгартириш ёки сувнинг гидростатик босими миқдорини доимий сақлаган ҳолда иншоот оғирлигини ўзгартиришга имкон беради.

(4) тенгламанинг барча ҳадлари белгиланганидан сўнг, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\frac{d^2 \hat{l}}{d\hat{\tau}} = D_1 - D_2 + a_0 \quad (7)$$

(7) тенгламани ечиш учун қуйидаги кўринишда функция киритилади:

$$\hat{l}(\hat{\tau}) = \frac{1}{\lambda^2} l^{\lambda \tau} \quad (8)$$

(8) тенгламани (7) тенгламага кўйиб, қуйидаги характеристика тенгламага эга бўлдик:

$$\lambda = \frac{1}{\tau} \ln(D_1 - D_2 + a_0) \quad (9)$$

(9) ва (8) тенгламаларни биргаликда ечиб, (7) тенглама ечимига эга бўлдик:

$$\hat{l}(\hat{\tau}) = \frac{\tau^2}{\ln(D_1 - D_2 + a_0)} \quad (10)$$

яъни, деформацияланувчи грунтли массани ҳаракат траекториясини (ёки кўчишини) ифодаловчи тенгламасига эга бўлдик.

Турли кучлар таъсирида иншоот заминининг кўндаланг ва бўйлама бўйича деформацияланиши жараёнини ифодаловчи Юнг модулини инобатга олган ҳолда, иншоот оғирлиги таъсирида деформацияланадиган грунтли массани силжишини эътиборга олиш учун силжиш модули (\bar{G}) дан фойдаландик:

$$\bar{G} = \frac{E}{2(1 + \sigma)} \quad (11)$$

бу ерда: σ – Пуассон коэффиценти, $\sigma = \left| \frac{\varepsilon_1}{\varepsilon_2} \right|$; мос равишда ε_1 - нисбий

бўйлама ва ε_2 - нисбий кўндаланг деформациялар.

(10) ва (11) ифодалар асосида деформацияланадиган грунтли массанинг баландлиги ўзгаришини ифодаловчи тенгламага эга бўлдик:

$$\Delta h_k = \frac{1}{2} \frac{\Delta d \cdot l \cdot F \cdot h_k}{S \cdot \bar{G} \cdot (\Delta d \cdot \frac{\hat{\tau}^2}{\ln(D_1 - D_2 + a_0)} + \Delta l \cdot l)} \quad (12)$$


Натура тадқиқотлари натижалари ва тадқиқот объектининг геометрик параметрлари асосида (12) тенгламанинг сонли ечимлари 3-расмда ва натура тадқиқотлари натижаларини таққослаш графиги 4-расмда келтирилган. Статистик ишлов бериш усуллари ёрдамида натижалар таққосланганида хатолик ўртача 3,5 фоизни ташкил этади.

(7) тенгламанинг ўнг тарафидаги ҳадлар стохастик жараёнларни ифодаланишини назарда тутиб, иншоот заминидаги грунтли массага таъсир


этувчи кучлар ва унинг динамик ҳолати эҳтимоллик параметрлар орқали қуйидаги кўринишда ёзиб оламиз:

$$L\hat{l} = D_1 - D_2 + a_0 \quad (13)$$

бу ерда: $L = \frac{d^2}{d\tau^2}$ - оператор.



3-расм. Грунтли масса мавжудлигида нормал кучлар таъсирида иншоотнинг чўкиши



4-расм. Сонли ечимлари ҳамда натура тадқиқотлари натижаларини таққослаш графиги

Энди L операторнинг тескари оператор L^{-1} мавжуд деб фарз қилайлик. Унинг учун (13) тенгламадан қуйидаги тенгламага эга бўлдик:

$$\hat{l} = L^{-1}(D_1 - D_2 + a_0) \quad (14)$$

бу ерда: $L^{-1}(D_1 - D_2 + a_0) = \int G(\tau, \xi)(D_1 - D_2 + a_0)d\tau$.

Бу ерда: $G(\tau, \xi)$ - Грин функцияси. Натижада топилди:

$$\hat{l} = \int G(\tau, \xi)(D_1 - D_2 + a_0)d\tau \quad (15)$$

(15) тенгламанинг сонли экспериментини амалга ошириш учун стохастик параметрли омиллар таъсиридан динамик системани ядросини (Грин стохастик функциясини) топиб олиш лозим.

Бунинг учун $\hat{l}(0) = \hat{l}(a_0) = 0$ бошланғич шартларда $G(\tau, \xi)$ функцияси:

$$\frac{d^2 G}{d\tau^2} = E(\tau, \xi) \quad (16)$$

ва $G(0, \xi) = G(a_0, \xi) = 0$ бошланғич шартларни қаноатлантиради деб фараз қилсак. Ушбу ифодаларни Грин функцияси учун қуйидаги шартларга эга бўлдик:

$$G(\tau, \xi) = \begin{cases} \frac{\tau(\xi - a_0)}{a_0}, & D_1 > D_2 \\ \frac{\xi(\tau - a_0)}{a_0}, & D_1 < D_2 \\ a_0, & D_1 = D_2 \end{cases} \quad (17)$$

Демак, $D_1 > D_2$ шарт қаноатланса

$$\hat{l} = \int \frac{\tau(\xi - a_0)}{a_0} [D_1 - D_2 + a_0] d\tau \quad (18)$$


$D_1 < D_2$ шарт қаноатланса

$$\hat{l} = \int \frac{\xi(\tau - a_0)}{a_0} [D_1 - D_2 + a_0] d\tau \quad (19)$$

$D_1 = D_2$ шарт қаноатланса


$$\hat{l} = \int a_0 [D_1 - D_2 + a_0] d\tau \quad (20)$$

(18) тенгламанинг сонли ечими натижаси 5-расмда келтирилган. Графикдан кўриниб турибдики, тадқиқот объекти заминдаги грунтли массанинг ҳаракати 10 соатда қўйи бьефга етиб бориб, иншоот заминда грунтнинг бўртиб чиқиши ҳолатини тасвирлайди. Бу кейинчалик иншоотнинг бузилишига олиб келиши мумкин. Кейинги ҳолатларда иншоотлар заминдаги грунтли масса мос равишда 11 соатда 12 метргача ҳаракатланиб, грунтли масса ҳаракати тўхтагани тасвирланган. Бу ҳолатлар мазкур иншоотлар заминларининг хавфсизлигини таъминланганлигини кўрсатади.




5-расм. $D_1 > D_2$ ҳолатда грунтли массанинг вақтга боғлиқлик ҳаракати

(19) тенгламанинг сонли ечими натижаси 6-расмда келтирилган. Тадқиқот объектлари заминларидаги грунтли масса 11 соатда мос равишда 6,5 метр ва 4 метргача ҳаракатланиб, кейинчалик грунтли масса ҳаракати тўхтагани тасвирланган. Ушбу ҳолатларда иншоотлар заминларининг хавфсизлиги таъминланган.



6-расм. $D_1 < D_2$ ҳолатда грунтли массанинг вақтга бўлиқлик ҳаракати

(20) тенгламанинг сонли ечими натижаси 7-расмда келтирилган. Тадқиқот объектлари заминларидаги грунтли масса 6-7 соатда 2 метргача ҳаракатланиб, кейинчалик грунтли масса ҳаракати тўхтагани тасвирланган. Ушбу ҳолатларда иншоотлар заминларининг хавфсизлиги таъминланган.




7-расм. $D_1 = D_2$ ҳолатда грунтли массанинг вақтга бўлиқлик ҳаракати

Қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мувофиқ, қурилиш талабларига жавоб бермайдиган грунтларда иншоотлар заминларини лойиҳалаштиришда қурилиш жараёнида бўшашган грунтларни олиб ташлаш ёки алмаштириш орқали заминнинг мустаҳкамлигини ошириш кўзда тутилган. Бундай технологик тадбирлар ер ишлари ҳажмининг ва иншоот нархининг ошиб кетишига олиб келади.

Шунинг учун кейинги йилларда гидротехника қурилиши амалиётида қўлланишга кенг жорий қилинаётган хавфсизлик мезонининг шартига асосан иншоотнинг лойиҳавий параметрларини сақлаган ҳолда маҳаллий материаллардан фойдаланиб иншоотнинг оғирлигини енгиллаштириш тадбиридир. Мазкур тадбирдан фойдаланган ҳолда иншоот заминларидаги грунтли массага тушадиган иншоотнинг таъсирини камайтириш орқали 5-

расм натижаси бўйича сонли эксперимент тадқиқотлари ўтказилди ва натижалари 8-расмда келтирилган.



8-расм. Бетонли иншоот оғирлигини камайтириш графиги

Олинган натижалар шуни кўрсатмоқдаки, иншоот оғирлигини 8% дан 10% гача камайтирилганида, иншоот заминидagi грунтли массанинг ҳаракати тўхтамоқда, бу эса ўз паст босимли ГТИ заминининг ишончилиги ва мустаҳкамлигини оширишга имкон берди.

Диссертациянинг “Мураккаб кўп қатламли грунтларда паст босимли гидротехника иншоотлари заминининг фильтрация оқимини тадқиқ қилиш” деб номланган тўртинчи бобида паст босимли ГТИ заминидagi грунтлар қатламида фильтрация оқимининг тезлик тақсимланиши ва босим таъсирини аниқлаш натижалари келтирилган.

Кўп фазали суюқликлар ҳаракатини ҳисоблаш усулларидадан фойдаланган ҳолда паст босимли ГТИ замини грунт юзасининг устида эркин сиртлари S_0 ва S_1^* эга, G_0^* ва G_1^* соҳаларда чуқурликлари мос равишда H_0 ва H_1 бўлган юқори ва қуйи бьефлари жойлашган. S_0 ва S_1^* эркин сиртларида атмосфера босими доимий таъсир этмоқда. Грунтли қатламнинг G_1 , G_2 ва G_3 соҳалари мос равишда k_1 , k_2 ва k_3 фильтрация коэффициентларига эга (9-расм).

Иншоот остидаги фильтрация оқимнинг соҳалари қуйидагича қабул қилинган:

- фильтрация коэффициенти k_1 бўлган: $G_1 - \{x \in (-\infty; \infty); y \in (-h_1; 0)\}$.
- фильтрация коэффициенти k_2 бўлган: $G_2 - \{x \in (-\infty; \infty); -(h_1 + h_2) < y < -h_1\}$.
- фильтрация коэффициенти k_3 бўлган: $G_3 - \{x \in (-\infty; \infty); -(h_1 + h_2 + h_3) < y < -(h_1 + h_2)\}$.

Иншоотнинг босими туфайли грунт қатламларидаги заррачалар кўчишлари билан тасвирланган деформация юзага келади. Чуқурлик қанча катта бўлса, грунт заррачаларининг кўчиши шунча кам бўлади. G_1 соҳа қатлами заррачалари кўчиши G_2 ва G_3 соҳалар қатламларидаги заррачалари кўчишига қараганда анча катта бўлади деб тахмин қиламиз. G_1 соҳада грунт заррачалари билан фильтрация оқими биргаликда ҳаракатланади. G_2 ва G_3


соҳаларида эса деярли фақат фильтрация оқими бўлади, унинг миқдори G_1 соҳадаги фильтрация оқими миқдоридан анча паст бўлади.

Х.Рахматуллин моделидан фойдаланиб, G_m ($m = \overline{1,2,3}$) соҳасидаги фильтрация оқимининг стационар ҳаракати тенгламаси қуйидаги кўринишда ёзилади:

$$\rho_n^{(m)} \left[u_n^{(m)} \frac{\partial u_n^{(m)}}{\partial x} + g_n^{(m)} \frac{\partial g_n^{(m)}}{\partial y} \right] = -f_n^{(m)} \frac{\partial p_n}{\partial x} + f_n^{(m)} \mu_n^{(m)} \frac{\partial^2 u_n^{(m)}}{\partial y^2} + \rho_n^{(m)} k^{(m)} \left(\frac{\partial u_n^{(m)}}{\partial x} - \frac{\partial g_n^{(m)}}{\partial y} \right) \quad (21)$$

Узлуксизлик тенгламаси:

$$\frac{\partial(\rho_n^{(m)}, u_n^{(m)})}{\partial x} + \frac{\partial(\rho_n^{(m)}, g_n^{(m)})}{\partial y} = 0 \quad (22)$$



9-расм. ГТИ заминдаги фильтрация мустаҳкамлигини ҳисоблаш модели

бу ерда: $\bar{g}_n^{(m)}, u_n^{(m)}$ - m -чи қатламдаги n -чи фаза (сув ва грунт)нинг горизонтал ва вертикал йўналишидаги тезлик вектори ва унинг компонентлари, $n, m = \overline{1,3}$;

$f_n^{(m)}, \rho_n^{(m)}, \rho_{ni}^{(m)}$ - оқимнинг m -чи қатламдаги n -чи фазанинг концентрацияси, келтирилган ва ҳақиқий зичликлари;

$p^{(m)}$ - оқимнинг m -чи қатламдаги босими;

$\mu_n^{(m)} = \rho_n^{(m)} v_n^{(m)}$ - m -чи қатламдаги n -чи фазанинг динамик қовушқоқлик коэффициентлари;

$v_n^{(m)}$ - m -чи қатламдаги n -чи фазанинг кинематик қовушқоқлик коэффициентлари;

$k^{(m)}$ - G_1, G_2 ва G_3 соҳалардаги сувнинг фильтрация коэффициентлари.

n -чи фазадаги муҳитни концентрацияси учун қуйидаги тенгламаларга эга бўлдиқ:

$$f_n^{(m)} = k^{(m)} f_{ni}^{(m)} \text{ ва } f_{1i}^{(m)} + f_{2i}^{(m)} + f_{3i}^{(m)} = 1, i = \overline{1, \dots, n} \quad (23)$$

Шунингдек, сувнинг тезлик вектори ва зичликлари ифодаларини киритиш мумкин:

$$\rho_\phi^{(m)} = \rho_1^{(m)} + \rho_2^{(m)} + \rho_3^{(m)}, \quad \bar{g}_\phi^{(m)} = \frac{1}{\rho_\phi^{(m)}} [\rho_1^{(m)} \bar{g}_1^{(m)} + \rho_2^{(m)} \bar{g}_2^{(m)} + \rho_3^{(m)} \bar{g}_3^{(m)}] \quad (24)$$

($\rho_{ni}^{(m)} = const$) ҳақиқий зичликлари ва фильтрация коэффициентларининг ($k^{(m)}$) доимийлигида (22) узлуксизлик тенгламаси ва (23) тенгламадан фазалардаги тезлик учун қуйидаги ифодага эга бўлиши мумкин:

$$f_1^{(m)} u_1^{(m)} + f_2^{(m)} u_2^{(m)} + f_3^{(m)} u_3^{(m)} = A_0^{(m)} \quad (25)$$

Ҳар бир фазанинг тенгламаси тизимини қўшиб, G_1, G_2 ва G_3 соҳалардаги тенгламани олиш мумкин, яъни узлуксизлик тенгламасини ҳисобга олган ҳолда (21) ҳаракат тенгламасини қуйидагича ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} \frac{\partial}{\partial x} [\rho_n^{(m)} (u_n^{(m)})^2] + \frac{\partial}{\partial y} [\rho_n^{(m)} u_n^{(m)} g_n^{(m)}] = -2f_n^{(m)} \frac{\partial p}{\partial x} + 2f_n^{(m)} \mu_n^{(m)} \frac{\partial^2 u_n^{(m)}}{\partial y^2} + \\ + 2\rho_n^{(m)} k^{(m)} \left(\frac{\partial u_n^{(m)}}{\partial x} - \frac{\partial g_n^{(m)}}{\partial y} \right) \end{aligned} \quad (26)$$

ёки ҳар бир фазаси учун қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\begin{aligned} \frac{\partial}{\partial x} [\rho_1^{(m)} (u_1^{(m)})^2] + \frac{\partial}{\partial y} [\rho_1^{(m)} u_1^{(m)} g_1^{(m)}] = -2f_1^{(m)} \frac{\partial p}{\partial x} + 2f_1^{(m)} \mu_1^{(m)} \frac{\partial^2 u_1^{(m)}}{\partial y^2} + 2\rho_1^{(m)} k^{(m)} \left(\frac{\partial u_1^{(m)}}{\partial x} - \frac{\partial g_1^{(m)}}{\partial y} \right); \\ \frac{\partial}{\partial x} [\rho_2^{(m)} (u_2^{(m)})^2] + \frac{\partial}{\partial y} [\rho_2^{(m)} u_2^{(m)} g_2^{(m)}] = -2f_2^{(m)} \frac{\partial p}{\partial x} + 2f_2^{(m)} \mu_2^{(m)} \frac{\partial^2 u_2^{(m)}}{\partial y^2} + 2\rho_2^{(m)} k^{(m)} \left(\frac{\partial u_2^{(m)}}{\partial x} - \frac{\partial g_2^{(m)}}{\partial y} \right); \\ \frac{\partial}{\partial x} [\rho_3^{(m)} (u_3^{(m)})^2] + \frac{\partial}{\partial y} [\rho_3^{(m)} u_3^{(m)} g_3^{(m)}] = -2f_3^{(m)} \frac{\partial p}{\partial x} + 2f_3^{(m)} \mu_3^{(m)} \frac{\partial^2 u_3^{(m)}}{\partial y^2} + 2\rho_3^{(m)} k^{(m)} \left(\frac{\partial u_3^{(m)}}{\partial x} - \frac{\partial g_3^{(m)}}{\partial y} \right). \end{aligned}$$

Тенгламаларни қўшиб, қуйидаги тенгламага эга бўлдик:

$$\begin{aligned} \frac{\partial}{\partial x} [\rho_1^{(m)} (u_1^{(m)})^2 + \rho_2^{(m)} (u_2^{(m)})^2 + \rho_3^{(m)} (u_3^{(m)})^2] + \frac{\partial}{\partial y} [\rho_1^{(m)} u_1^{(m)} g_1^{(m)} + \rho_2^{(m)} u_2^{(m)} g_2^{(m)} + \rho_3^{(m)} u_3^{(m)} g_3^{(m)}] = \\ = -2 \frac{\partial p}{\partial x} + 2 \left[f_1^{(m)} \mu_1^{(m)} \frac{\partial^2 u_1^{(m)}}{\partial y^2} + f_2^{(m)} \mu_2^{(m)} \frac{\partial^2 u_2^{(m)}}{\partial y^2} + f_3^{(m)} \mu_3^{(m)} \frac{\partial^2 u_3^{(m)}}{\partial y^2} \right] \end{aligned} \quad (27)$$

(27) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиб олинади:

